

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕҲҚОНОВ МАМИТАЛИ РОХАТАЛИЕВИЧ

**ИСЛОМДА ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИ
МАДАНИЯТИНИНГ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (дин фалсафаси)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК: 316.5.1:008 (575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Дехконов Мамитали Рохаталиевич

Исломда оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг диний-
фалсафий моҳияти..... 3

Дехконов Мамитали Рахаталиевич

Религиозно-философская сущность культуры семейно-брачных
отношений в исламе 19

Dehkanov Mamitali Rakhataliyevich

Religious and philosophical essence of the culture of family and marriage
relations in Islam..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 40

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЕҲҚОНОВ МАМИТАЛИ РОХАТАЛИЕВИЧ

**ИСЛОМДА ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИ
МАДАНИЯТИНИНГ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (дин фалсафаси)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fal171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдусамедов Анвар Эшонхонович

фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзиева Рухсора Ходиевна

фалсафа фанлари доктори, профессор

Маркаев Зокир Эшқулович

фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Имом Бухорий номидаги халқаро илмий тадқиқот маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «3» ноябрда тарқатилди.
(2021 йил «3» ноябрдаги 29 рақамли реестр баённомаси).



И.Эргашев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, илмий фанлар доктори, профессор

Г.М.Рузмагова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

О.Дж.Нишонава,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшиқдаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида тобора кескинлашиб бораётган глобал муаммолар қаторига кейинги ярим аср мобайнида кўплаб ижтимоий зиддиятлар келиб қўшилмоқда. Чунончи, ижтимоий табақалашувнинг кучайиши, бой ва қашшоқ давлатлар орасидаги фарқларнинг чуқурлашуви, айниқса, Ғарб мамлакатларида оила институти асосларининг емирилиши янада таҳликали тус олмоқда. Ғарчи, халқаро ҳуқуқ меъёрларида «Оила жамиятнинг табиий ва асосий хужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли»¹, деб таъкидланган бўлса-да, жуда кўп минтақаларда оила ҳимоясиз қолмоқда. «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияда² болалар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш умумжаҳон иши, деб белгиланишига қарамай, бу соҳада ҳам зиддиятлар кучайиб бормоқда, оилалардаги индивидуал зўравонликка қарши кураш, гендер тенглигига эришиш ҳамон кун тартибда турибди.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказларида исломнинг оила ва никоҳ муносабатлари маданиятини ўрганиш бўйича бир қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда. Ислом динининг нуфузи кўтарилиб, тарафдорлари ва хайрихоҳлари сони ортиб бораётган ҳозирги даврда ушбу диннинг оилавий муносабатлар, никоҳ маданияти, фарзандларга эътибор каби умуминсоний аҳамиятга эга бўлган гоё, таълимот ва дастурлари илмий жамоатчилик диққатини ўзига тортмоқда. Шунингдек, оиладаги зиддиятлар маърифий исломнинг оила ва никоҳ муносабатлари негизида осонлик билан бартараф этилиши мумкинлигига ишонч ортиб бормоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида оила мустаҳкамлиги – жамиятдаги барқарорлик ва осойишталикнинг асосий шarti, никоҳнинг бардавомлиги – миллат келажаги бўлмиш ёш авлоднинг тўлақонли вояга етиши ва маънавий баркамоллигининг асоси сифатида хизмат қилмоқда. «Юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари, авваламбор, унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда»³. Оила ва никоҳга турли ёндашувларнинг таҳлили асосида оила эркак ва аёлнинг жамият тараққиётида давомийлигини таъминлайдиган табиий-биологик, ижтимоий, маънавий эҳтиёжлар бирлигига таянадиган, ички ҳамкорликка асосланган барқарор ижтимоий бирлик, жамиятнинг муҳим негизидир. Шунга кўра, эр-хотиннинг аҳиллиги оиланинг маънавий муҳитини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси. 16-модда. // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

² Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция // <https://lex.uz/docs/2595913>.

³ Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 17 февралдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4962-сонли, 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сонли, 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли, 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сонли фармонлари, 2018 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-3808-сонли Қарори ҳамда ушбу мавзуга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оила ва никоҳ муносабатларига оид муаммолар барча даврларда олимлар ҳамда диний уламоларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, «Авесто»да инсон насл-насабини сақлаш вазифасини айнан оила бажариши, унда фарзанд тарбиясига эр ва хотин баробар масъул эканлиги кўрсатилган. Буюк юнон файласуфлари Платон «Критий» диалогиди, Аристотель «Этика» асарида эркак ва аёлнинг бир-бирига муҳаббати ҳаётни давом эттириш омилдир, деб таъкидлаганлар. Ислом динининг муқаддас манбаи бўлмиш Қуръони каримнинг Бақара, Нисо, Моиди, Нур ва бошқа сураларидаги 500 га яқин оятларда, шунингдек ҳадисларда оилавий муносабатлар энг олий кадрият сифатида улуғланган. Бурҳониддин Маргинонийнинг «Ҳидоя» китобида оила ва никоҳ масаласига жуда катта эътибор берилган, Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» рисолида никоҳ, эътиқод бирлиги бахт-саодатга элтувчи йўл эканлиги очиқ берилган⁴. Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Ғаззолий, Хусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида оилада ахлоқий, диний тарбияга оид

⁴ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. -Тошкент: Шарқ, 2001; Платон. Соч. в 3-х томах. -М.: 1871. Т.3. Ч.1; Аристотель. Сочинения. В 4- томах. -М.: Мысль, 1983; Беруний Абу Райхон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. 1- жилд. -Тошкент, 1968; Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. -Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1993; Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 жилд. (Тузувчилар: У. Каримов, Ҳ.Ҳикматуллаев) - Тошкент: SHARQ, 2020. 5-жилд; Ал-Бухорий. Ал-жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 2 жилдлик. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008; Ат-Термизий. -Тошкент: SHARQ, 2020.

ибратли фикрлар баён қилинган.⁵

XX аср охири – XXI аср бошида МДХ мамлакатларида оилавий муносабатларнинг ижтимоий-фалсафий, тарихий-маданий, диний-ахлоқий, социологик, педагогик ва психологик жиҳатлари бир қатор диссертация, монография ҳамда илмий мақолаларда тадқиқ этилди. Жумладан, Россияда – А.Антонов, И.Бестужев-Лада, С.Голод, А.Харчев, В.Ядов, Т.Афанасьев, В.Медков, А.Синельниковлар тадқиқотларида оиланинг ижтимоий функциялари таснифланган.⁶

Ўзбекистон олимларидан С.Акмалова, Б.Валиева, И.Черкашина, Р.Восикова, В.Каримова, О.Мусурмонова, Ф.Саифназарова, У.Уватов, М.Холматова, Э.Юсупов, Т.Маҳмудов, Р.Убайдуллаевалар асарларида, муфтий Усмонхон Алимовнинг «Оилада фарзанд тарбияси» китобида, Бобомуродовнинг мақолаларида оила маданияти ва масъулияти, оилада фарзанд тарбиясига оид ёндашувлар ўз ифодасини топган.⁷

Диний тадқиқотларда ота-оналар, фарзандларнинг бурч ва масъулиятлари, оилада ахлоқий тарбиянинг аҳамиятига оид гоёлар илгари сурилган, бироқ уларнинг моҳияти илмий тадқиқот объектига тортилмаган. Оиланинг фалсафий, диний-ахлоқий жиҳатларига оид адабиётларда оила ва никоҳ муносабатларида дин омилининг аҳамияти етарлича ёритилмаган. Ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, мазкур тадқиқотда Қуръони каримнинг сура ва оятлари ҳамда ҳадисларнинг оила ва никоҳ муносабатлари маданиятидаги ўрни, исломда никоҳланаётган томонларнинг бурч, мажбуриятлари, оила ва никоҳ муносабатларига оид илмий ёндашувлар таҳлил этилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний қадриятлари ва ҳозирги замон» мавзуси доирасида бажарилган.

⁵ Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутатғу билиг. –Тошкент: Юлдузча, 1989; Абу Ҳамид Муҳаммад Газзолий. Кимёи саодат. –Тошкент: Ozbekiston NMNU, 2020; Кошифий Х.В. Футовватнома султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1994; Алишер Навоий. Асарлар. Ҳамса. Ҳайрат-ул аброр. 6- жилд –Тошкент: Ўзадабийнашр, 1965.

⁶ Керимов Г.М. Шариат – закон жизни мусульман. –М.: Ленон, 1999; И.Ал-Мансури. Мусульманские праздники и обряды. –М.: Ленон, 1998; Фромм Э. Мужчина и женщина. –М., 1999; Азаров Ю. Семейная педагогика. –М.: Педагогика, 1993; Антонов А.И. Семья какая она и куда движется. –М.: Мысль, 1998; Бестужев-Лада Н.В. Окно в будущее. –М: 1991; Харчев А.Г., Минковский М.С. Современная семья и её проблемы: Социально-демографическое исследование. –М.: Мысль, 1997 и др.

⁷ Акмалова С. Онагиам. –Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Валиева Б., Черкашина И. Ўзбекистонда хотин-кизлар: қонун ва жамият муаммолари. – Тошкент: Шарқ, 1999; Восикова Р. Ҳар бир аёл учун. – Тошкент: Адолат, 1994; Каримова В. Оила ижтимоий ҳимоя омиллари. – Тошкент, 2007; Маҳкамов У. Ахлоқ ва одоб сабоқлари. - Тошкент: Фан, 1994; Мусурмонова О. Оила маънавияти ва миллий ғурур. – Тошкент: Маънавият, 2000; Маърифат – тинчлик асоси. (Тузувчи Д.Раҳимжонов, масъул муҳаррир З.Исломов). – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007; Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. – Тошкент: Yurist-media markazi, 2007; Салоҳиддин Муҳиддин. Оила ва шаръий никоҳ одоблари. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004; Шайх Абдусалом ал-Муборакфурий. Имом ал-Бухорий (ҳаёти ва мероси). Араб тилидан У.Уватов таржимаси. - Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008; Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Юсупов Э., Юсупов Ў. Оила – маънавият булоғи. - Тошкент: ЎАЖБНТ, 2003; Ҳожи Аҳмаджон Бобомуродов. Ислом одоби ва ахлоқи. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2008; Р.А.Убайдуллаева. Мустақил Ўзбекистон: аёл, оила ва жамият. – Тошкент: Фан, 2006.

Тадқиқотнинг мақсади исломда оила ва никоҳ муносабатлари маданиятини диний-фалсафий моҳиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оила ва никоҳ муносабатлари маданиятида аждодлар ва авлодлараро давомийлик ва жамиятдаги барқарорликни таъминлашга оид ислом дини манбаларидаги гоъларнинг ҳозирги давр учун аҳамиятини асослаш;

ислом дини манбаларидаги ўзаро ҳурмат, сабр-тоқат, муроса ва мадора ҳақидаги қонун-қоидалар оила барқарорлигини таъминлаш воситаси эканини илмий жиҳатдан исботлаш;

ислом динида хотин-қизларни кадрлаш, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига оид қарашларнинг ҳозирги даврда гендер тенгликни таъминлашдаги аҳамиятини асослаш;

ислом динида фарзанд тарбияси оила ва никоҳ муносабатларининг бош омили эканлиги, унинг замонавий шахс тарбиясидаги аҳамиятини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти – исломда оила ва никоҳ муносабатлари.

Тадқиқотнинг предметини исломда оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг диний-фалсафий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг умумий ўзаро алоқадорлик, тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, контент, синергетик, герменевтик анализ каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

исломда оила ва никоҳ муносабатларини шакллантиришда Махмуд Насафийнинг «Қанзуд дақоик», Убайдуллоҳ ибн Масъуд Махбубийнинг «Мухтасари Виқоя» ва «Салоти Масъудий», «Чаҳоркитоб», «Маслак ул-муттақин» каби ханафия мазҳабининг мўътабар китобларидаги никоҳнинг шартлари, одоблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексидаги никоҳ тузиш, никоҳни бекор қилиш шартлари ва тартиблари ўзаро муносабат эканлиги асосланган;

оилада эр ва хотиннинг гендер тенглигини таъминланиши, ҳар бир оила аъзосининг ўзига хос ижтимоий мақоми, ўзбекона миллий урф-одатларга кўра никоҳнинг муқаддаслиги, ҳуқуқий асосда тузилиши, ҳамжиҳатлик каби ижобий жиҳатлари ҳамда оиладаги беқарорлик, ишончсизлик, тоқатсизлик каби иллатлар Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асаридаги «ижоб ва қабул», «гувоҳ», «махр», «махр мисли» каби тушунчалар асосида очиб берилган;

фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, кадр-қиммати, соғлиги, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли хил ноанъанавий бир жинслилар никоҳи, ЛГБТлар ва гипермаскулитлик (эркаклик сифатларини кўрсатишга ортиқча уриниш) шаклларидаги жамиятга ва ижтимоий муҳитга бўлган ахлоқий, мафкуравий ҳамда аксеологик жиҳатдан беқарорлик, тақлид қилиш каби салбий таъсири очиб берилган;

исломда оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солиш, жамиятда

оила мустаҳкамлигини сақлаш, ажримларнинг олдини олиш, миллий ва исломий кадриятлар оиланинг редукив, тарбиявий, иктисодий, коммуникатив, интегратив, компенсаторлик ва дунёқараш функцияларида намоён бўлиши, оила мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан мураккаб ижтимоий тизим сифатида структурали-функционал таҳлилни талаб этиши фалсафий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

замонавий оила ва никоҳ муносабатларининг ислом дини гоялари билан мутаносиблиги жамият барқарорлигини таъминлаш омили эканлиги очиб берилган;

оила ва никоҳ муносабатлари маданиятини такомиллаштиришда ислом дини кадриятларидан фойдаланишнинг усул ва воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий натижаларнинг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, янги ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, ҳужжатлар, тегишли адабиётлар ва манбалардан фойдаланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган гоялардан оила ва никоҳ муносабатларининг назарий жиҳатларини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишларида, замонавий оилаларда гендер тенглигини таъминлашга оид илмий лойиҳаларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда баён қилинган амалий таклиф ва тавсиялардан маҳаллаларда ўтказилган семинар, тренингларда, «Келинлар институти», «Ёш келин-куёвлар мактаби» фаолиятида, аҳоли турли қатламлари билан давра суҳбатлари ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Исломда оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг диний-фалсафий моҳиятини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

исломда оила ва никоҳ муносабатларини шакллантиришда Махмуд Насафийнинг «Канзуд дақоик», Убайдуллоҳ ибн Масъуд Махбубийнинг «Мухтасари Виқоя» ва «Салоти Масъудий», «Чаҳоркитоб», «Маслак ул-муттақин» каби ханафий мазҳабининг мўътабар китобларидаги никоҳнинг шартлари, одоблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексидаги никоҳ тузиш, никоҳни бекор қилиш шартлари ва тартиблари ўзаро мутаносиб эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан «Диншунослик» ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 89-03/153-сон маълумотномаси). Натижалар ўқув қўлланмани янги илмий маълумотлар билан бойитилишига хизмат қилган.

оилада эр ва хотиннинг гендер тенглигини таъминланиши, ҳар бир оила аъзосининг ўзига хос ижтимоий мақоми, ўзбекона миллий урф-одатларга

кўра никоҳнинг муқаддаслиги, ҳуқуқий асосда тузилиши, ҳамжихатлик каби ижобий жиҳатлари ҳамда оиладаги беқарорлик, ишончсизлик, тоқатсизлик каби иллатлар, Бурхониддин Маргинонийнинг «Ҳидоя» асаридаги «ижоб ва қабул», «гувоҳ», «махр», «махр мисли» каби тушунчаларга оид тақлиф-тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг «Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси», шунингдек, «Миллий гоёни ривожлантириш концепцияси» тарғиботини амалга ошириш, аҳолининг турли қатламлари билан мулоқотларни самарали ташкил этиш, оила ва никоҳ муносабатлари маданиятини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий семинарларни ташкил этишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 15 августдаги 02/09.11050-сон маълумотномаси). Илмий натижалар оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг моҳиятини аҳолининг турли қатламларига тушунтириш, оилаларда меҳр-оқибат, сабр-қаноат, мураса-ю-мадора туйгуларини шакллантиришга хизмат қилган;

фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, қадр-қиммати, соғлиги, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли хил ноанъанавий бир жинслилар никоҳи, ЛГБТлар ва гипермаскулитлик (эркаклик сифатларини кўрсатишга ортиқча уриниш) шакллариининг жамиятга ва ижтимоий муҳитга бўлган ахлоқий, мафкуравий ҳамда аксеологик жиҳатдан беқарорлик, тақлид қилиш каби салбий таъсирга оид янгиликлар «Маҳалла ва оилаларда барқарор ижтимоий, маънавий муҳитни қарор топтириш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳага сингдирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказида гарб ва шарқ олимларининг халқаро ҳамкорлигини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-амалий семинарларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 19 январдаги 01-05-106-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказининг 2021 йил 15 апрелдаги 25/27-сон маълумотномаси). Натижалар «Маҳалла ва оилаларда барқарор ижтимоий, маънавий муҳитни қарор топтириш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳани янги маълумотлар билан бойитган, олимлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик, илмий мулоқотни ривожланишига хизмат қилган.

исломда оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солиш, жамиятда оила мустаҳкамлигини сақлаш, ажримларнинг олдини олиш, миллий ва исломий кадриятлар оиланинг редукитив, тарбиявий, иқтисодий, коммуникатив, интегратив, компенсаторлик ва дунёқараш функцияларида намоён бўлиши, оила мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан мураккаб ижтимоий тизим сифатида структурали-функционал таҳлилни талаб этишига оид ҳулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият

вазирлигининг 2019 йил 18 июлдаги 0701-12-07-361-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг 2019 йил 12 июлдаги 699-сон маълумотномаси). Натижалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини ёшларга кенг тушунтириш, оила ва никоҳ муносабатлари маданиятини юксалтириш, оила аъзоларининг гоъвий етуклиги ва мафкуравий иммунитетини ошириш, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, илмий семинар, конференциялар ташкиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 1 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (5 таси республика ва 3 таси хориж журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар сони, диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг тарихий генезиси ва ривожланиш босқичлари**» деб номланган биринчи бобида оила муносабатларининг қарор топиши, таракқиёт босқичлари, оиланинг тарихий шакллари тадқиқ этилган.

Оила ижтимоий-тарихий жараёнлар таъсирида шаклланган ва ривожланган ижтимоий институт бўлиб, унинг миқдор ва сифат ўзгаришларига табиий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий омиллар таъсир этган.

Жамиятда оила аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, эътиқод ва дунёқарашларидаги бирлик, умумийлик никоҳнинг давомийлигини таъминлаш шартидир. Ибтидоий оилалар қон-қариндошчиликка асосланган ижтимоий муносабатларнинг муайян босқичи ҳисобланади, пуналуал оилаларда – жамоага мансуб опа-сингилларнинг бошқа жамоадаги эркакларга хотинликка бериш билан боғлиқ анъаналар шаклланган. Полигам оиладан моногам оилага ўтиш жараёнида эндогам никоҳ, яъни ибтидоий гуруҳ никоҳидан, бир қабилага мансуб эркак ва аёл никоҳига ўтилган, ундан

кейин ўзга қабиладош қизга никоҳни назарда тутувчи экзогам оилалар шаклланган.

Диссертацияда оила асоси бўлган никоҳнинг ижтимоий, маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатлари очиқ берилган. Никоҳ оилани давлат ва жамоатчилик томонидан расмий тан олиш усули бўлиб, барча диний таълимотларда унинг вазифалари аниқ белгиланган.

Оилаларда диний ва дунёвий кадриятларга амал қилиш унинг аҳамиятини оширади. Эр ва хотиннинг маънавияти оила тинчлигини сақлаш омилidir. Оила маънавиятининг такомиллашувида эр ва хотиннинг насл-насаби, эътиқод бирлиги, фарзанд тарбиясидаги масъулияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда оилавий муносабатлар маданияти исломий ва миллий кадриятларнинг тарихий илдизларига таянади.

Диссертацияда Қуръони карим ва ҳадислардаги таълим-тарбия, оила қуришга оид гоёлар таҳлил этилган. Шу билан бирга, исломда оила муносабатларида руҳсат этилган ва тақиқланган хатти-ҳаракатлар, яъни, фақат ҳалол ишлар билан шугулланишга, ҳаром ишлардан қочишга даъват этилиши асосланган.

Ўзбекистонда яқка никоҳга асосланган оилалар ХХ асрда шаклланган, кўп болали оилалар рағбатлантирилган. Собиқ совет тузуми даврида оила тарбиясида баъзи диний анъаналар, хусусан ақиқа маросими, ўғил болани хатна қилиш, никоҳ ўқитиш, вафот этганларга жаноза ўқиш чекланган ёки умуман тақиқланган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий ва диний кадриятларни тиклаш, хусусан, хотин-қизлар ҳуқуқи ва уларнинг жамоат ишларидаги мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эркаклар билан аёллар ҳуқуқлари тенглиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қафолатланган. Оилада аёлларнинг фарзандларга муносиб тарбия бериши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Дарҳақиқат, оиланинг бош вазифаси авлодлараро давомийликни таъминлашдир. Фарзандларининг ҳар томонлама камол топишига эр ва хотин масъул бўлсада, аёлнинг ўрни юқори, айни чоғда, ўзбек оиласида болалар тарбиясида эркакларнинг роли устуворлиги оила барқарорлигининг шarti ҳисобланади.

Диссертацияда фарзандларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий тарбиясига оид ислом дини манбаларидаги диний-фалсафий ёндашувларнинг моҳияти очиқ берилган. Унга кўра, биринчидан, оила муносабатлари маданиятининг жамиятда оила шакллангунга қадар, унинг ибтидоий кўринишлари – «қон-қариндош оила», «пуналуал оила», «кўп хотинлик оила» шакллари бўлган; иккинчидан, Ўзбекистондаги мавжуд оилалар, асосан, катта патриархал ва кичик нуклеар оила тоифасидадир; учинчидан, статистик маълумотларга асосан катта оилалар (эр-хотиннинг болалари ва ўз ота-оналари билан яшайдиганлар) 10 фоизни, кичик тўлиқ оилалар 49 фоизни ташкил этади. Қолганлари нотўлиқ оилалар (онаси бор, отаси йўқ, аксинча, отаси бор, онаси йўқ ёки фарзандсиз оилалар)дир. Шунинг учун оила муносабатлари маданияти ривожда фарзандлар тарбиясига ҳар бир оилага дифференциал

(табақаланган) ёндашиш лозим; оила муносабатлари маданиятини сақлаш ва такомиллаштиришда давлат қонунларига риоя қилиш билан бирга, умуминсоний, миллий, исломий кадриятларни ёш оила аъзолари онгига сингдириш, бу кадриятлардан оқилона фойдаланиш ўз самарасини бериши мумкин. Кадриятларнинг кадрсизланиши туфайли никоҳсиз тугилган болалар сони ортмоқда. Масалан, 2005 йилда 63339 нафар, 2006 йилда 67549 нафарга етган, 2019 йилда 31000 та оила ажралиш ҳақида ариза берган бўлса, 2020 йилда ажрим 19670 тага камайган; тўртинчидан, Оила кодекси мустаҳкам оилани шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ислом таълимотида оила ва никоҳ муносабатлари маданиятининг ҳуқуқий ва назарий жиҳатлари**» деб номланган. XXI асрдан бошлаб, дунё маконида жаҳон динлари ва конфессияларининг шахс ва жамият алоқаларининг ривожланишига, шу жумладан, оила муносабатларига таъсирида ўзгариш кузатилмоқда. Дарҳақиқат, оиланинг ижтимоий гуруҳ сифатида барқарорлигини таъминлаш ислом таълимоти ва кадриятлари асосида қурилган оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш омили бўлмоқда.

XX аср охири XXI аср бошларидаги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози оила ва никоҳ муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, хорижлик ёшларнинг расмий никоҳни тан олмаслиги авж олмоқда, бу вазият ахлоқий кадриятлар бузилишига олиб келиши мумкин, шунингдек, жамиятдаги демографик вазиятга, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аҳолининг диний онги ва эътиқоди маънавий-маданий ҳаёт барқарорлигининг муҳим омилidir. Шу нуқтаи назардан, диссертацияда Қуръони карим, ҳадислар ва фикҳда ёрқин ифодасини топган оила муносабатлари маданиятининг ҳуқуқий ва назарий асослари ҳақидаги қарашлар таҳлил этилган.

Оиланинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида никоҳ асосий мезон ҳисобланади. Исломда ҳам оила қуришнинг шаръий никоҳ орқали амалга оширилиши асосий шартлардан бири бўлиб, никоҳ, ота-она розилиги, муҳаббат, масъулият, жавобгарликка асосланиши лозим. Бу қоидалар Қуръони карим Нисо, Талоқ ва бошқа сураларида ўз ифодасини топган. Нисо сурасида шундай дейилади: «Эй имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир»⁸. Яна никоҳнинг машруъ бўлиши,⁹ шаръий никоҳнинг талаб ва қоидалари¹⁰, бошқа оятларда никоҳ тақиқланган аёллар,¹¹ опа-сингилларнинг бир никоҳда жамланмаслиги¹² ва бошқа жиҳатлари ўз ифодасини топган.

⁸ Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири, 4 сура, 19 оят. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. –Б.80.

⁹ Ўша манба. 4 сура, 32 оят. –Б.83.

¹⁰ Ўша манба. 4 сура, 3 оят, 24 оят. –Б.82.

¹¹ Ўша манба. 4 сура, 22 оят. –Б.82.

¹² Ўша манба. 4 сура, 23 оят. –Б.81.

Диссертацияда ислом манбаларида таъкидланган оила муносабатлари маданиятининг шаклланишига оид илмий-назарий карашлар таҳлил қилинган. Бу ёндашувларда оила кичик ижтимоий институт сифатида таҳлил қилинган. Уларда тарбия (шу жумладан, никоҳ олди тарбияси)да ўзаро мулоқот, бир-бирини тушуниш, фарзандларнинг ижтимоийлашувига эришиш лозимлиги келтириб ўтилган.

Оила маданиятини такомиллаштиришда фарзандлар тарбияси, хусусан, янги оила қуришга тайёрлашда никоҳ ёшини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Баъзи араб давлатлари қонунларида никоҳдан ўтиш ёши қизлар учун 15 ёш, йигитлар учун 17-18 ёш деб белгиланган.¹³ Балогат ёшига етмаган қизларни уларнинг розилигисиз эрга бериш¹⁴ оила барқарорлигига путур етказмоқда.¹⁵ Ҳанафия мазҳабида эса, никоҳ ёши қизларга 17 ёш, ўгил болаларга 18 ёш деб белгиланган.

Шариатга асосланган оилада никоҳ ёшининг асосий шarti ўгил болаларнинг ихтилом, қизларнинг ҳайз кўриши билан бирга, уларнинг маънавий ва моддий жиҳатдан оила қуришга тайёргарлиги асосий мезон бўлган. Тиббиёт ва руҳшунос олимларининг фикрича, ёшларнинг балогат ёши 12-16 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу ёндашувда ёшларнинг биологик жиҳатдан жинсий балогатга етилиши ҳисобга олинган, холос. Ваҳоланки, оила қуриш балогат ёшидан ташқари, уларнинг жисмонан соғлом ва руҳан тетик бўлиши, айти вақтда, оила маданиятидан хабардор бўлишини тақозо этади.

Оила қуришнинг шаръий-ҳуқуқий асосларида, оила субъектларининг ўзаро розилиги билан бирга никоҳ ёшига тўлиши, руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши, келин учун маҳр ва қалин тўланиши, улар яқин қариндош бўлмаслиги ва никоҳ гувоҳлар иштирокида амалга оширилиши лозим.¹⁶ Аёлларнинг маҳр асосида ўз мулкига эга бўлишидан ташқари, оила муносабатларидаги вазифалар, хўжалик юритиш, бола тарбиялаш, илм олиш ҳамда турмуш ўртоғи билан оилавий муаммоларни ечишда иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги билан белгиланган.

Фикримизча, миллий ва исломий қадриятлар ўз мазмун-моҳияти билан ижтимоий ҳаётнинг талаб ва эҳтиёжлари таъсирида такомиллашади. Оилавий қадриятларнинг бош мезони юксак маънавиятдир. Қадрият ўзбекона оиланинг урф-одатлари, имон-эътиқоди, ишончи, одоб-ахлоқи, расм-русумларида ўз ифодасини топади. Ўзбек оиласидаги шарқона миллий қадриятлар бошқа миллатлар оилаларидаги қадриятлар билан ўзаро таъсирда ривожланади. Айти пайтда, ўзбек оилаларида ота-онага ҳурмат, эҳтиром, қариндошлик, миллатпарварлик, меҳмондўстлик, меҳрибонлик каби фазилатлар сақланиб қолган. Оилада бундай қадриятлар таъсирида тарбия олган ёшлар миллий менталитет анъаналарининг давомчилари ҳисобланади.

Илмий адабиётларда миллий ва исломий қадриятлар оиланинг редуктив,

¹³ Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. –Тошкент: Маънавият, 1998. –Б.77.

¹⁴ <http://newwoman.ru/letter.php?id=787>

¹⁵ <http://www.sedmitra.ru/news/323570.html>

¹⁶ Хидоя: Бурхониддин Ал-Марғиновий. 1- жилд. –Тошкент: Адолат, 2001. -648 б.

тарбиявий, иқтисодий, коммуникатив, интегратив, компенсаторлик ва дунёкараш функцияларида намоён бўлади. Социологлар фикрича, оила мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан структурали-функционал таҳлилни талаб этади. Баъзи социологлар оиланинг демографик функцияси, ижтимоий ва иқтисодий функцияларини фарқлайдилар. Оила функцияларининг қамрови кенг бўлиб, унинг бош функцияси фарзанд тарбиясидир.

Исломий ва миллий кадриятларнинг оила муносабатлари маданияти ривожланишига «махр», «одат», «калин», «ақиқа», «ижтимоий ҳимоя», «мерос» кабилар хисса қўшади. Жумладан, айрим халқларда оила қуриш, унинг мустаҳкамлигини таъминлашда «махр» ва «калин» белгилаш ҳолатлари мавжуд. Исломда маҳр аёлнинг мулкидир, ундан фойдаланиш фақат аёлнинг розилиги билан бўлади. Эр-хотин ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ҳозирги даврнинг баъзи ёшлари оила қуришда шартномали никоҳ шаклидан ҳам фойдаланмоқдалар. Ўзбек оилаларида оила қуришда қиз томонга қалин бериш одати бор, бу одат исломдан олдин ҳам бўлган. Ҳозирги даврда ҳам келинга қалин тўлаш амалиёти туркий халқлар орасида кенг тарқалган одатлардан¹⁷ бири ҳисобланади. Бу эса, баъзи тадқиқотларда «сут ҳақи», «куёв совгаси», аксарият ҳолларда эса, келин либослари ва тўй харажатлари учун сарфланади, деб асосланмоқда.

Оила муносабатларида муомала маданияти алоҳида ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан, оиладаги таълим-тарбияда ширинсўзликнинг аҳамияти ҳам катта. Бу хусусда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг: «Билингки, одамзотнинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебахрадир. Сўз ҳамма вақт сабаб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъқул»¹⁸, деган фикри эътиборга молик.

Оила маданияти ва маънавиятини оширишда ота-оналар ширин сўзлари билан ўз маданиятини, кадр-қимматини намоён қилади. Оилада фарзанд нутқи қанчалик гўзал бўлса, билими қанчалик ортса, маънавий савияси ҳам шунчалик юксалиб боради.

Хуллас, оила муносабатлари маданиятининг ривожланиши бир никоҳли оиланинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнлар таъсирида такомиллашиб борган, ўзбек халқи тараққиётида исломга қадар бўлган даврларда ҳам Марказий Осиё халқларининг ўзига хос оила маданияти, унинг маънавий мезонлари белгиланган, уларга амал қилиш оила тадрижининг асосий омилларидан ҳисобланган. Марказий Осиёга ислом динининг тарқалиши оилани тартибга солиш мазмунининг исломлаштиришда ўз ифодасини топган; оилавий муносабатлар шариат қонун-қоидаларига асосланган, унинг исломга қадар мавжуд бўлган одат ва анъаналари янги шароитга мослашган; чекланмаган кўп хотинлик (жоҳилия даври); тўрттагача хотинга уйланиш имконияти

¹⁷ Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. –Тошкент: Ўқитувчи, 2003. –Б.90.

¹⁸ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. -Тошкент: Олтин мерос, 1994. –Б.58.

(шариат кўрсатмаси) ва давлат қонунларига асосланган бир никоҳли оила цивилизация ривожининг юқори босқичида вужудга келган; оилавий муносабатларнинг муҳим омили миллий ва диний қадриятларнинг исломий мезон ва меъёрлардаги ифодасидир. Бундай исломий қадриятлар ижтимоий ҳаётда, турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этган.

